

Ҳайит остонасида



09:58 / 01.05.2022 1703

Ассалому алайкум азиз юртдошим! Тонгга етказганига шукр. Кунингиз унумли бўлсин. Ҳайитга бир кун қолди. Иншааллоҳ, Рамазон ойининг сўнги куни. Ой давомида улгурганингиз фарз ва нафл ибодатларингиз, тутган рўзаларингиз, савоби кўп эзгу амалларингиз Охират диёри учун улкан заҳиралар бўлсин!

Тинчлик ва офиятда ўтган таровеҳлар, юзлаб хатми Қуръонлар сабаб Меҳрибон Аллоҳ ватанимизга файзу футуҳотларини ёғдирсин! Оила аъзоларингиз ва дўстларингиз билан ҳайит намозини ҳузурла адо этишни мушарраф этсин.

Яқинлашаётган Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин! Оилангиз ва яқинларингиз даврасида фазилатли байрамни гўзал тарзда ўтказиш муяссар бўлсин! Улуғ ойдан покланиб, юзларимиз нурга тўлиб чиқиш ҳар биримизга насиб этсин. Келгуси Рамазонга соғлик омонликда етказсин!

Яратган Зот қалбингиздаги жамики хайрли мақсадларингиз амалга ошишига тавфиқ берсин! Сизга мустаҳкам имон, хотиржамлик ва иккидунё саодатини тилаймиз. Омон бўлинг!

Бобур Аҳмад.